

2022 йил 26 " 31 өвір

Күргонтепа шаҳар

Андижон вилоят Құриқлаш бошкармаси бошлиғи М.Б.Ұрибоев, Низом асосида фаолият юритувчи (кейинчалик - "Құриқлаш" деб аталувчи) бир томондан, Күргонтепа тумани ХТБ мудири в.б Т.Умаров (кейинчалик - "Хұжалик идораси" деб аталувчи), Низом асосида фаолият юритувчи иккінчи томондан, құриқлашны ташкил этиш ва ижросини таъминлаш максадыда, Техник құриқлаш маркази (ТҚМ) орқали Объектни құриқлаш Шартномасини (матн бүйича кейинги үринде - "Шартнома" деб аталади) күйидаги түздилар:

### 1. Умумий қоидалар.

1.1. "Хұжалик идораси" Күргонтепа туман Халқ таълими бўлимiga қарашли 1,2,3,4,5,9,37,39, 50-умумтаълим мактаблари ҳамда 41-ДИМ компютер хоналарига кириш эшигига үрнатилган "11" та "7" соатли тунги құриқлаш калит ёрдамида 2-дам олиш куни 22:00" дан "05:00" гача құриқлашга топширади құриқлаш эса ўз навбатида Техник құриқлаш пункті томонидан құриқлашга қабул қиласы.

1.2. Объектнинг техник мустаҳкамлиги тұғрисидаги, құриқлаш ва ёнгидан огохлантирувчи техник (ҚЕОС) воситалари билан жихозланган жойлар, код билан маҳкамланадиган мосламалар ва бошқа маълумотлар мазкур Шартноманинг ажралмас кисми ҳисобланган илова ва текширув далолатномасида күрсатилади.

1.3. Объектнинг құриқлаш техник воситалари билан таъминлаш "Хұжалик идораси" томонидан амалга оцирилади. Бу воситаларнинг техник хизмати ва жорий таъмирланиши шартнома асосида "Құриқлаш" инженер-техник ходимларига алохидан тұлов орқали амалга оширилади. Объектни құриқлаш ва ёнгидан огохлантирувчи мосламалар схемаси Шартномага илова қилинади.

1.4. Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган умумдавлат хужжатлари ва норматив актларига асосланган ҳолда объектнинг техник мустаҳкамлигини кучайтириш, құриқлаш воситаларига тадбик этиш ва жорий этилган құриқлаш тартибларига амал қилиш юзасидан құрсатмалар "Хұжалик идораси" учун мажбурий ҳисобланади.

### 2. Томонларнинг мажбуриятлари.

#### 2.1. Хұжалик идораси мажбурияты ва ҳуқуқлари:

2.1.1. Объектни ТҚМга улаш учун Құриқлашга соз ҳолдаги, АТСга уланган телефон тармоғини ажратади.

2.1.2. Құриқлашга топшириладиган Объектни техник мустаҳкамлигини таъминлаш максадыда текширув далолатномаси юзасидан дераза, форточка, эшик, кулф ва бошқаларни меъёрий талаблар асосида жихозлайди ва мустаҳкамлайди.

2.1.3. Құриқлаш вакилларига, ушбу шартнома асосида олган мажбуриятларини бажариш учун эркин кириб чиқишига шароит яратади.

2.1.4. Объектни Құриқлашга топшириш ва қабул қилиш, калитларни саклаш ва Объектни очиб қўздан кечириш учун жавобгар шахсни тайинлайди ва жавобгар шахс ўз вактида объектда аникланган камчиликларни бартараф этиш чораларини қўради ва бу ҳакида құриқлаш бўлими ТҚМга ахборот бериши шарт.

2.1.5. Объектнинг калити йўқолиши оқибатида уни алмаштирилганда, шунингдек, унинг бутлиги бузилганлиги аникланганда зудлик билан Құриқлашга ҳабар беради.

2.1.6. Бегона шахсларга құриқлаш ва сигнализация тизимини ҳамда пульт ракамларини ўзлаштираслиги учун уларни ошкор килмайди.

2.1.7. Құриқлаш сигнализация воситаларидан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қиласы. Объектни блокировка схемасига ўзgartиришлар киритмайди, ўз ихтиёри билан сигнализация воситаларини алмаштирайди. Құриқлашни юзага келган камчиликлар юзасидан ўз вактида ҳабардор қиласы.

2.1.8. Объектни құриқлаш остига топширишдан олдин эшик, дераза, туйнукларни маҳкамланганлигига ишонч ҳосил қиласы. Уларни доимий равишда соз ҳолда сакланишини таъминлайди.

2.1.9. ҚЕОС воситаларини ишчи ҳолатини текшириш учун кунига камида бир маротаба "Ташвиш" ҳабари бериш йули билан Құриқлашни телефон орқали ҳабардор қилган ҳолда текширув ўтказади.

2.1.10. Ҳисоб-сметаси асосида үрнатилган тарифда Құриқлаш хизмати учун ҳар ойлик мажбурий тұловни амалга ошириб боради.

2.1.11. Құриқлашнинг тұлов ҳисоби ва далолатномаси асосида күйидаги тұловларни амалга оширади:

- Объектда үрнатилган Объект ҳисобида бўлмаган ва унинг хатоси билан ишдан чиқкан техник воситаларни таъмирлаш учун;

- Объектга үрнатилган буюртмачига тегишли бўлган техник воситаларни таъмирлаш учун;

- Сигнализация воситаларининг 5 (беш) йиллик фойдаланиш муддати ўтиб, мукаммал таъмирлаш учун;

- ТҚМни модернизациялаштирилган құриқлаш системасига ўтказилиши муносабати билан Объектни замонавий техника воситалари билан алмаштириш учун;

- "Хұжалик идораси" айби билан берилган сохта ташвиш ҳабар учун (объектни НБП (навбатчи бошқарув пульти)ни ҳабардор этмаган ҳолда құриқлашдан чиқариш, телефон дастагини нотұғри ҳолатда кўшиш, мазкур шартноманинг 2.1.8.моддаси талаблари бажарилмаганда) Құриқлаш ходими келишига, ҳар бир келиши 10 % микдорида (тұлов микдори ТҚМ дан буюртмага объектта масофа учун фойдаланилган транспор ва ёқилғи ҳисобидан аникланади). микдорида.

2.1.12. Сигнализация воситалари учун уланган электр ва телефон тармоқларини ўз вактида таъмирлаш чораларини қўради.

2.1.13. Объектни мазкур Шартномада қўрсатилган тартибда белгиланган давомийликда ва муддатга марказлаштирилган кузатувга топширади.

2.1.14. Объектнинг техник мустаҳкамлигини ва ҚЕОС воситалари билан жихозланишини таъминлайди ва саклайди.

2.1.15. Кўрикланаётган Объект ва унинг периметрини тунги пайтларда керакли ёритиш мосламалари билан жиҳозлаб, ТҚМ нарядларига мумкин даражада кўринишни таъминлайди.

2.1.16. Кўриланадиган Объектни тоифасига караб, девори, томи ҳамда деразалари ва эшикларини кўрсатилган меъёр даражасида бўлишини таъминлайди.

2.1.17. Объектда мавжуд бўлган мулкни сугурталанишини таъминлайди.

2.1.18. Кўриланадиган Объектда ўзининг кучи хисобидан ёнгин хавфсизлиги тадбирларини ташкил этади ва таъминлайди.

2.1.19. Объект витриналарида қимматбаҳо товар-моддий маҳсулот намуналаридан қўйиш зарур бўлганиг 1, улар ўрнига макетларини кўяди. Витриналарга қўйилган қимматбаҳо товар-моддий бойликларни уларнинг киймати кўрсатилган ҳолда рўйхатга олиб, моддий жиҳатдан масъул киши томонидан имзоланади ва “Хўжалик идораси” муҳри билан тасдиқланади. Мазкур рўйхатнинг бир нусхаси витринада, иккинчи нусхаси “Хўжалик идораси”нинг моддий жиҳатдан масъул шахсида, учинчи нусхаси Кўриклашга берилади.

2.1.20. Саклаш даврида пул маблағлари, қимматбаҳо тошлар, олтин, платинадан ишланган маҳсулотлар, тилло, платина, кумуш корпусли соатлар пол ва деворларга маҳкамланган сейфларда сакланади. Пул маблағлари, қимматбаҳо металл ва тошлардан бўлган маҳсулотларни саклашда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги Қимматбаҳо металлар қўмитасининг Давлат палатаси томонидан ва юридик шахсларнинг касса операцияларини юритиши Коидалари билан белгиланган талаблар лимитидан юқори бўлса, саклашга йўл қўймайди.

2.1.21. Кўриланадиган Объектга ўрнатилган ҚЁС воситаларига Кўриклаш бўлими ходимларини эркин харакатини таъминлайди.

2.1.22. Кўриклаш билан биргаликда бир (квартал) чоракда бир мартадан кам бўлмаган ҳолда Объектни техник мустаҳкамлиги, кўриклаш техник воситалари, шу жумладан ҚЁС воситалари билан жиҳозланганлигини текшириб, шу ҳақда масъул вакиллар имзоси қўйилган, Хўжалик томонидан мавжуд камчиликларни бартараф килиб, Кўриклашга ахборот бериш учун муддати кўрсатилиб, далолатнома тузилади. Мазкур далолатнома Шартноманинг ажралмас кисми хисобланади, унда кўрсатилган вазифалар бажарилади.

2.1.23. Текширув далолатномаси юзасидан Объектнинг техник мустаҳкамлигини ошириш чора-тадбирларини бажаради, Объектни қўрикланишини такомиллаштириш, ички ва кириб-чиқиши тартибини яхшилаш, моддий товар бойликларни сакланиши учун зарурий шарт-шароитлар яратади ва Кўриклашга ўзининг вазифаларини ижро этиши учун кўмаклашади.

2.1.24. Объект худудида таъмирлаш ишлари ёки бошқа тадбирлар ўтказилиши, кўриланадиган жойлар ва майдонларни ижарага топширилганлиги, эски кўриланадиган жойларни ўзгартириш ёки янгисини вужудга келиши, мазкур Объектни бошқа шахсларга топширилиши муносабати билан пост жойлашувлари ўзгартирилиши, қўшимча постлар қўйилиши, ҚЁС воситалари билан жиҳозланиши лозим бўлган тақдирда, Хўжалик идораси бу ҳақда Кўриклашга 15 кун аввал ёзма равища билдиради.

2.1.25. Кўриклаш томонидан ваколат берилмаган шахсларга, кўриклаш ва ёнгиндан огохлантирувчи техник воситаларини техник кўрикандан ўтказиши ва таъмирлашга рухсат бермайди.

2.1.26. Объектни ТҚМга топширишдан камида 3 (уч) соат олдин ҚЁТ воситаларини созлигини, топширилишини назорат тариқасида текширади. Носозлик аниқланганда зудлик билан хизмат кўрсатадиган электр таъмирловчини чакиради ва бу борада Кўриклашга ҳабар беради.

2.1.27. Объект, ҚЁС воситалари билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хоналарни кўриклаш постига, шунингдек ТҚМ кўриғига кунда топшириб боради, эшикларнинг қулфлари, деразаларни, форточекаларни ва кўриклаш сигнализация воситалари ва тунги ёритиш воситаларини ҳолатини текширади, кўриланадиган хоналарда ўчирилмаган электр мосламалар, бошқа ёнгинга олиб келувчи мосламаларни ёкилган ҳолда колиб кетмаслигини ва бегоналар бўлишининг олдини олади. Объектни топширилиши тўғрисида ТҚМга 5 (беш) дақиқадан кейин ҳабар тушгандан сўнг объект кўриклашга олинганилиги тўғрисида ишонч ҳосил қилинади.

2.1.28. Объектга бегона шахслар томонидан объект ёки алоҳида хоналарга кириш оқибатида унинг бутлигига таҳдид қилинганлиги ва содир этилган моддий зарар тўғрисида Кўриклашга ҳабар бериб, Кўриклаш вакиллари келгунга қадар воеа жойини дахлсизлигини таъминлайди.

2.1.29. Кўриклаш томонидан белгиланган мажбуриятлар тўлиқ бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар миқдорини аниқлайди ва моддий товар бойликларни хисобини олиб бориш учун Кўриклаш бўлими ходими иштирокида моддий товар бойликларни колдиги хисобланади, шунингдек, Кўриклашга барча хужжат ва маълумотлари тақдим этади.

## 2.2. Кўриқлашнинг мажбуриятлари:

2.2.1. ТҚМ кўриғига топшириладиган объектнинг техник мустаҳкамлиги текширилиб, унинг ҚЁС воситалари билан жиҳозланиши лозим бўлган жойларга қараб далолатнома тузади.

2.2.2. Объектда ҚЁС воситаларини мажбурий жиҳозланиш жойларини белгилайди.

2.2.3. Объектга ҚЁС воситаларини жиҳозланишини тавсия этади, Объектнинг заиф жойларини ҚЁС воситалари билан жиҳозланиши Объект томонидан бажарилмаган тақдирда, Шартноманинг ажралмас кисми хисобланган иловада белгилаб қўйилади.

2.2.4. Объектни техник мустаҳкамлиги далолатномасига асосан Объект хисобидан ҚЁС воситалари билан жиҳозлайди ва телефон алокаси орқали пульта уланади, пульт маълумотномаларини тақдим этади.

2.2.5. Объектдаги ҚЁС воситаларини ҳар 5 (беш) йилда тўлиқ мукаммал таъмирлайди.

2.2.6. Объект билан келишилган ҳолда объектга қўшимча ҚЁС воситаларини ўрнатиладиган тақдирда, томонлар ушбу Шартномага қўшимча келишув тузадилар ва Объект ушбу бажариладиган ишлар ҳакиқи тўнатилган тартибда аввалдан пул тўловини тўлагандан кейин амалга оширади.

2.2.7. Ўрнатилган тартибда объектни кўриклашга олишда сигнализация воситалари ёрдамида ТҚМга уланиши ҳамда ўз вактида Кўриклаш ходими ташвиш ҳабари бўйича етиб боришини таъминлайди.

2.2.8. Объект кўриклашда бўлган вақтда объектга рухсатсиз кирган шахсни қўлга олиш чорасини куради.

2.2.9. Хўжалик идораси ходимларига ҚЁС воситаларини ишлатилишини ўргатиб, бу борада иўрикномалар беради.

2.2.10. Ҳар бир тушган сохта ташвиш хабари бўйича далолатнома тузилиб, Объект очилиб кўриқдан ўтказилиб, тузилган далолатноманинг бир нусхаси Хўжалик идорасига берилади.

2.2.11. Сигнализация воситаларини 5 (беш) йил ишлатилгандан кейин мукаммал таъмирланишини амалга оширади.

2.2.12. Хизмат ҳаки тарифи ўзгарган ҳолда Хўжалик идорасини хабардор қиласди.

2.2.13. Мазкур Шартномани тўхтатиш ёки бир томонлама бекор қилиниши қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) Хўжалик идораси 2 (икки) ойдан ошик Кўриқлаш хизмати учун тўловларни тўламаганда;

б) Кўриқлаш томонидан техник сабабларга кўра ўз мажбуриятларини бажара олмасликлари туфайли (телефон раками ўзгарганда, телефон ўчирилганда, ТҚМ тугатилганда);

в) Хўжалик идорасини номи ўзгариб, Кўриқлашни бундан хабардор килмаганда;

г) Мазкур Шартноманинг 2.1.2., 2.1.3., 2.1.5., 2.1.7., 2.1.8., 2.1.12., 2.1.16. бандлари бузилганда.

2.2.14. Телефон ўчирилганда ёки носоз бўлган ҳолда, электр манбаи ўчирилганда ТҚМ жойи ўзгарганда Объект кўриқлашга қабул килинмайди ва бу ҳақда Хўжалик идорасини ёзма ёки телефон оркали хабардор этади.

### 3. Хизмат нархи, ҳисоб-китоб тартиби ва низоларни ҳал қилиш.

3.1. Мазкур Шартнома бўйича кўрсатиладиган хизмат нархи ўрнатилган тариф асосида кўриқлаш калит-соат ҳисоби бўйича Шартноманинг ажралмас кисми ҳисобланган ҳисоб-сметасида ҳисоблаб кўрсатилади. Узбекистон Республикаси Молия вазири билан келишилган ҳолда Узбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кумондони томонидан тасдикланган “Тариф”лар асосида Кўриқлаш хизмати учун тарифлар кайта кўриб чиқилади.

3.2. “Хўжалик идораси” янги ой бошланишига 10 кунга қадар шартноманинг умумий суммасининг 100% микдоридаги пулни “Кўриқлаш” нинг ҳисоб ракамига ўтказиб беради.

3.3. “Кўриқлаш” хизмати учун ҳисоб-китоб килишга ўз маблаглари бўлмаган ҳолда, “Хўжалик идораси” белгиланган муддатда юкори орган (ташкилотлар) марказлашган фондидан кўшимча маблағлар ҳисобига карздорликни коплайди.

3.4. “Кўриқлаш” нинг кўшимча хизматлари учун ва жарималар “Кўриқлаш” томонидан ҳисоб ёки билдириш берилганда “Хўжалик идораси” томонидан 10 кун муддатда ўтказиш йўли билан тўланади.

3.5. Ушбу Шартномани бажариш мобайнида пайдо бўлган ҳар қандай низолар ва келишмовчиликлар Томонлар тарафидан музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал килинади. Агар Томонлар бир битимга келиша олмасалар, у ҳолда низо белгиланган тартиба Хўжалик судила кўриб чиқилади.

### 4. Томонларнинг жавобгарлиги

#### 4.1. Хўжалик идорасининг жавобгарлиги:

4.1.1. “Хўжалик идораси” “Кўриқлаш” хизмати учун шартнома асосидаги тўлов муддатидан ўтиб кетса, шартномада белгиланган бир ойлик хизмат нархининг 0,4% микдорида жарима тўлайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси лозим даражада бажарилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги лозим.

4.1.2. “Хўжалик идораси” “Кўриқлаш” томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловдан асосиз бош тортса, тўланиши лозим бўлган сумманинг 15% микдорда жарима тўлайди.

4.1.3. Объектни кўриқлаш даврида:

мазкур Шартноманинг 2.1.2., 2.1.5., 2.1.6., 2.1.7., 2.1.8., 2.1.12., 2.1.14., 2.1.15., 2.1.16., 2.1.19., 2.1.20., 2.1.23., 2.1.24., 2.1.25., 2.1.26., 2.1.27. бандларида кўрсатилган талаблар Хўжалик идораси томонидан бажарилмаганлиги оқибатида жавобгарлиники ўз зиммасига олади.

#### 4.2. Кўриқлашнинг жавобгарлиги

4.2.1. Шартнома шартларини талаб даражасида бажармаганлиги сабабли Хўжалик идорасига етказилган зарарни тўлик қоплаш мажбуриятини ва моддий жавобгарлиники ўз зиммасига олади.

Хўжалик идораси хазинахонасида ва омборхонасида сакланадиган пул воситалари талончилик ёки босқинчилик йўли билан ўғирланган тақдирда, Хўжалик идорасига ушбу реал етказилган зарар суммаси доирасида жавобгар бўлади.

Зарарни қайташиб учун, тергов ёки суд идораларининг ўғрилик, талончилик, босқинчилик ёки бошка конунбузарлик ҳолатлари юзасидан чиқарилган карорлари асос бўлади.

4.2.2. Ташибши сигнали бўлганда Кўриқлаш ходими етиб келмаса, “Хўжалик идораси” га 1 ойлик хизмат нархининг 0,1% микдорида жарима тўлайди.

4.2.3. Кўйидаги ҳолатларда келтирилган моддий-зарарлар учун Кўриқлаш жавобгар ҳисобланмайди:

а) Пул маблағлар хўжалик идорасининг объектида қолдиришга ҳаққи бўлмаган ҳолатда, белгилангандан ортик микдорда қолдирилса, шунингдек пул маблағлари сейф ёки пол ва деворга маҳкамланган металл шкаф (кути) ларда сакланмаган бўлса, пул маблағлари, кимматбаҳо металл ва тошлардан бўлган маҳсулотларни саклашда Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги Қимматбаҳо металлар кўмитасининг Давлат налатаси томонидан ва юридик шахсларнинг касса операцияларини юритиш Коидалари билан белгиланган талаблар лимит микдоридан юкори даражада очик ҳолатда сакланса ҳамда ўғирланса ёки талончилик килинса;

б) Фуқароларнинг шахсий мулклари ўғирланса;

в) Бино ёпилиши ёки кўриқлаш учун қабул килинишидан олдин кириб олган шахс томонидан ўғирлик, талончилик, босқинчилик содир этилса;

г) Товар-моддий бойликларнинг ўғирланиши ёки босқинчилик, талончилик қилинишида;

д) табиий оғатлар оқибатида келтирилган мулкий заарлар учун:

- Бу бошка мулкдорники бўлиб, у кўриқлашнаётган хонани ижарага олиб кўриқлаш учун мустақил шартнома тузилмаган бўлса;

- Агар хўжалик идораси томонидан кўриқлаш сигнализацияси ёқилмагани сабабли бўлса, объекти кўриқлашга топширмаган ёки кўриқлаш воситаларининг носозлиги ҳакида маълум қилмаган бўлса, шунингдек бошка техник сабабларга кўра кўриқлаш олиб борилмаган бўлса;

- Шартноманинг 2.1.20. банди талаблари бузилиб, жиҳозланган витриналардан ёки талончилик, босқинчилик килинса.

е) Хўжалик идораси томонидан кўрсатилган муддатларда Объектни техник мустаҳкамлигидаги талабларни ва мазкур Шартноманинг 2.1.5., 2.1.6., 2.1.8., 2.1.16., 2.1.24., 2.1.25., бандлари бажарилмаганлиги оқибатида ўғирлик содир этилса.

#### 5. Форс-мажор

5.1. Томонлар Шартнома асосидаги ўз мажбуриятларидан фавқулодда ҳолатлар, онгли равища олдиндан кўзда тутилмаган ва олдини олиш имкони бўлмаганда кисман ёки тўлиқ бажарилмаган ҳолда озод этиладилар:

5.2. Ушбу Шартноманинг бажарилишига тўсқинлик килувчи куч билан енгиб бўлмайдиган вазиятлар қаторига зилзила, сув тошкни, ёнгин, хукумат қарорлари ёки давлат органлари буйруклари турли характердаги ҳарбий харакатлар ва бошқалар киради.

#### 6. Якуний қоидалар

6.1. Иловалар (план-схема, постлар дислокацияси, объектнинг қўриқлаш ва огоҳлантириш воситалари билан жиҳозланган схемаси, хизматлар учун тўлов смета-хисоби, техник ҳолати қўриги далолатномаси) ушбу Шартноманинг ажралмас кисми ҳимобланади.

6.2. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонлар томонидан ёзма равища ва вакил томонидан имзоланган бўлсагина, унинг ажралмас кисми ҳимобланади.

6.3. Мазкур Шартномани бекор килиш, ўзгартириш ёки матнiga қўшимча киритишга манфаатдор томон, 2 (икки) ой олдин ёзма равища иккинчи томонни хабардор килади.

6.4. Томонлар Шартнома бўйича ўз хукуқ ва мажбуриятларини иккинчи томоннинг ёзма розилигисиз бошқа шахсга беришга ҳакки йўқ.

6.5. Мазкур Шартноманинг амал килиш муддати 3 (уч) йил бўлиб, ҳар иккала томон учун ҳам биттадан икки нусхада тузилади. Агарда томонлардан бири ўрнатилган муддатда Шартномани ўзгартириш ёки бекор килиш тўғрисида 1 ой (бир) ичida ёзма мурожаат қилмаса, унда Шартнома автоматик равища ушбу Шартномада кўрсатилган шартларда, шу муддатга узайтирилади.

6.6. Агар томонлардан бири Шартномада кўрсатилган 2.1. ва 2.2. бўлимлари бўйича мажбуриятларини бажармаса ёки бузса, белгиланган мажбурият муддати тугагунга кадар 1 ой (бир) олдин келтирилган зарарни қоплаш хукуки билан иккинчи томон мазкур Шартномани бир томонлама бекор килиш хукуқига эга (тоифаланган ва банк объектларидан ташқари).

6.7. Агар қўриқлаш турига, тўлов шартларига, ўзгартиришлар киритилса, икки томонлама розилик баённомаси мазкур Шартномага киритилади.

6.8. Шартнома тўхтатилса, “Хўжалик идораси” 3 кун муддат ичida “Қўриқлаш” нинг ҳисоб рақамига қўриқлаш тугатилганлиги сабабли зарурий чиқимлар тўловини тুлашга мажбур.

#### 7. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва банк реквизитлари:

##### “ҚЎРИҚЛАШ”

Андижон вилояти Қўриқлаш бошкармаси  
Юридик манзили: Андижон шаҳар М.Тикланиш  
кўчаси 27-үй

Банк реквизитлари: 21596000900278042001  
МФО: 00016  
СТИР: 200237592  
ХХТУТ:  
Марказий банк XKKM

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Андижон вилояти Қўриқлаш  
бошкармаси бошлиғи

2022 йил “26” ғиброр



М.Б. Уринбоев

##### “ХЎЖАЛИК ИДОРАСИ”

Қўрғонтепа туман Ҳалқ таълими бўлими  
Юридик манзили: Қўрғонтепа шаҳар  
Шифокорлар  
кўчаси №8

Банк реквизитлари: 100022260032207082100075080  
МФО: 00014  
СТИР: 2002373114  
ХХТУТ: 90310

Марказий банк ташват шархи.

Қўрғонтепа туман Ҳалқ таълими бўлими  
мудири в.б

2022 йил “26” ғиброр



Т.Умаров

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA  
MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA**  
№ UJ56530412

**1. Loyihaning turi**

Shartnoma

**2. Loyihaning nomi**

Tashvish signaliga texnik qo‘riqlash markazi orqali xizmat ko‘rsatish bo‘yicha 21-sonli shartnoma.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot**

Qo‘rg‘ontepa tumani xalq ta’limi bo‘limi tomonidan 26.01.2022

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil «27» yanvar

**Qo‘rg‘ontepa tumani yuridik xizmat  
ko‘rsatish markazi bosh yuriskonsulti:**



**Sh.Ne’matov**

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси Миллӣ гвардияси  
Андижон вилояти Кўриқлаш  
бошқармаси бошлиғи

М.Б.Ўринбоев

“26” йибор 2022 йил

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Кўргонтеап тумани Халқ талими  
булими мудири в.б

Т.Умаров

“26” йибор 2022 йил

Кўргонтеап туман Халқ таълми бўлимига қарашли мактабларга Кўргонтеап тумани Қўриқлаш бўлими ТҚМ томонидан қўриқлаш хизмати бўйича  
СМЕТА-ХИСОБИ шартномага илова

Т/р	Объектлар номи	Ўрнатилган Қўриқлаш хабартоҳлари	Қўриқлаш тuri	Калилтар сони	Қўриқлаш вакти			Бир ойлик қўриқлаш соати	Қўриқлаш нархи		ўрнатилга н ҚЁОС воситалар и сони (шартли белги):	ўрнатилган ҚЁСТ воситаларига кушимча кўрсатилган хизмат (шартли белги):	Хўжалик идораси хисобидан кўйилган хизмат итлари	
					Иш кунлари	Байрам олди кунлари	Дам олиш ва байрам кунлари		Бир соатга	Ўртacha бир ойга				
1	2	3	4		5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
1	1-Умутаълим мактаби компьютер хонаси кириш эшиги	Гамма-1	ТҚМ калит	1	22-05	22-05	22-05	213	3754	799602				
2	2-Умутаълим мактаби компьютер хонаси кириш эшиги	Гамма-1	ТҚМ калит	1	22-05	22-05	22-05	213	3754	799602				
3	3-Умутаълим мактаби компьютер хонаси кириш эшиги	Гамма-1	ТҚМ калит	1	22-05	22-05	22-05	213	3754	799602				
4	5-Умутаълим мактаби компьютер хонаси кириш эшиги	Гамма-1	ТҚМ калит	1	22-05	22-05	22-05	213	3754	799602				
5	9-Умутаълим мактаби компьютер хонаси кириш эшиги	Гамма-1	ТҚМ калит	1	22-05	22-05	22-05	213	3754	799602				
6	39-Умутаълим мактаби компьютер хонаси кириш эшиги	Гамма-1	ТҚМ калит	1	22-05	22-05	22-05	213	3754	799602				

	мактаби компьютер хонаси кириш эшиги		калит									
7	41-ДИМ компьютер хонаси кириш эшиги	Гамма-1	ТКМ калит	1	22-05	22-05	22-05	213	3754	799602		
8	50-Умумтаълим мактаби компьютер хонаси кириш эшиги	Гамма-1	ТКМ калит	1	22-05	22-05	22-05	213	3754	799602		
9	37-Умумтаълим мактаби компьютер хонаси кириш эшиги	Гамма-1	ТКМ калит	1	22-05	22-05	22-05	213	3754	799602		
10	4-Умумтаълим мактаби компьютер хонаси кириш эшиги	Гамма-1	ТКМ калит	1	22-05	22-05	22-05	213	3754	799602		
	Жами:									7 996 020		

Кўрсатйлган хизмат учун бир ойлик хизмат хаки: 7 996 020 Етти миллион туккиз юз туксон олти минг йигирма сўм.